O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUB PALATASI INV.№ 201000

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2000 йил 11 октябрь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 79 (7274)

Da'vat

Мурувват бирла эҳсонни шиор эт, Ҳамиша яхшиликни ихтиёр эт.

Собир САЙҚАЛИЙ

Ibrat

"Янгийўлёғмой" ҳиссадорлик жамиятида 2000 йил — Соғлом авлод йили муносабати билан корхона маъмурияти ва касаба уюшмаси қўмитаси ташаббуси билан махсус дастур ишлаб чиқилди. Ушбу дастурга асосан Янгийўл шаҳридаги 3 та мактаб ва 1 та болалар боғчаси биносини таъмирлаш учун корхона ҳисобидан керакли миқдорда қурилиш материаллари етказилди. Кўп болали ва кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари учун 200 минг сўмлик мактаб дарсликлари сотиб олиб берилди.

JUMLADA JAHON

• 2000 йил 7 октябрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлисида бўшаб қолган ўринларга шу йилнинг 22 октябрида ўтказиладиган Олий Мажлис депутатлари сайловига тайёргарликнинг бориши ҳамда ушбу округлардан кўрсатилган номзодларни рўйхатга олиш масалалари кўриб чиқилди.

• Нукусда жаҳон андозалари асосида барпо этилган "Амударё" соғломлаштириш мажмуи фойдаланишга топширилди.

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуининг жорий йил тўққиз ойи якунлари ҳамда "Соғлом авлод" Давлат дастури қандай бажарилаётганига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

• Япония молия вазирлигининг Сиёсий тадқиқотлар институти президенти Хироясу Ватанабэ бошчилигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ташриф буюрди.

• Серб мухолифатининг етакчиси Воислав Коштуница мамлакат парламенти депутатлари олдида қасамёд қабул қилиб, расмий равишда Югославия Президенти лавозимини бажаришга киришди.

• Шу кунларда Яқин Шаркда бўлаётган воқеалар халқаро ҳамжамиятнинг диққат марказида турибди — Париж ва Қоҳирада бўлиб ўтган кўптомонлама мулоқотлар натижасиз тугагач, минтақадаги вазият янада кескинлашди.

• Нидерландия полициясининг сунъий гиёҳванд моддаларга қарши кураш бўлими ўтган йили юздан ортиқ махсус тадбир ўтказиб, 3,6 миллион дона ўткир таъсир қилувчи дори мусодара қилинганини билдирди.

• Япония ғарбидаги Хонсю оролида рўй берган кучли зилзила оқибатида жароҳатланган кишиларнинг сони 106 нафарга етди, 1500 дан зиёд бинолар шикастланди, 3000 дан ортиқ киши бошқа жойларга кўчирилди.

Чирчиқ шаҳридаги 2-ўрта мактаб жамоаси ҳам буюк келажагимиз қурувчилари — ўқувчиларни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялашда фаол хизмат қилиб келишмоқда. Бу борада мактабни оталиққа олган ташкилот "Ўзбеккимёмаш"нинг ёрдамлари ҳам сезиларли бўлаётир.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар.

МИЛЛИЙ ҒОЯ: ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ОЛДИДАГИ ВАЗИФАЛАР

Hay'at yig'ilishida

Азал-азалдан одамларни ғоя бирлаштириб келган. Ва бу ғоя ўша жамиятни жипслаштирган ва тараққиётга бошлаган. Ғоясизлик эса ҳар қандай жамиятни парчалаган. Айниқса, бугунги ривожланган ва турли мафкуралар маҳв этиши мумкин бўлган ҳозирги суронли даврда бунинг хавфи сезиларлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов "Fidokor" газетаси мухбири саволларига берган жавобларида мафкура дунёсида бўшлиққа йўл қўйиб бўлмаслиги, ҳозирги пайтда рўй бераётган айрим салбий ҳолатлар, ёвуз ишлар, аввало, мафкуравий бўшлиқ туфайли содир бўлаётганлиги, фарзандларимизнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришимиз зарурлиги, шу маънода миллий истиқлол ғояси биз учун бугунги кунда нечоғли муҳим ва долзарб экани асослаб берилган эди.

Шу каби билдирган фикрлари асосида яратилган "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" рисоласи мазмунини ўқувтарбия жараёнига олиб кириш бугунги куннинг долзарб масаласидир. Ўқув дастури ва дарсликлар мазмунини миллий ғоя ва миллий мафкурага оид мавзулар билан бойитиш, улар орқали илдизлари бақувват, дунёни бутун мураккабликлари билан англайдиган, замон тараққиёти билан баробар қадам ташлайдиган инсонларни вояга етказиш зарур.

Халқ таълими вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат мажлисида худди ана шу масала муҳокама қилинди. Илғор ўқитувчилар, методистлар, олимлар, малака ошириш институти раҳбарлари ва ўқитувчилари, педагогика институтлари ректорлари иштирокидаги мазкур ҳайъат йиғилишида фикр алмашилди, янги таклифлар айтилди. Энг асосийси мустақилликка эришганимиздан буён ўқувчиларига бу борада таълим бериб келаётган муаллимлар фикри тингланди ва ҳайъат қарорига киритилди. Хулоса шулки, фарзандларимизда мафкуравий иммунитетни кучайтирадиган ўқитувчиларнинг барчаси "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" рисоласини чуқур ўрганишлари, юракларидан ўтказишлари, ўз дарслари мазмунига табиий ҳолда сингдиришлари лозим. Ў даражага етиш албатта вақтни талаб этади. Шу боис тарих ўқитувчилари, айниқса, шу пайтгача "Маънавият асослари"дан дарс берадиган ўқитувчилар биринчи навбатда малака ошириш тизими орқали қайта тайёргарликдан ўтганда ҳам маъруза тингловчилари сифатида эмас, иштирокчи сифатида машғулотнинг баҳс-мунозарали шакли орқали, ҳар бир айтиладиган сўзнинг мурғак қалблар қабул қиладиганини танлай олиш даражасига етишларини замон талаб этади.

Ҳайъат мажлиси қарорига кўра миллий истиқлол ғояси тушунча ва тамойилларининг маъносини ўқувчилар қалби ва онгига сингдириш мақсадида ўқув режасидаги 7—9-синфлар учун "Маънавият асослари" ўрнига "Миллий ғоя ва маънавият асослари" ўқув фани жорий этиладиган бўлди. Умумий ўрта таълим муассасаларининг 9-синф битирувчилари шу ўқув фанидан давлат имтиҳони топширадилар.

Юқорида таъкидланган "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" рисоласи шу кунларда босмадан чиқади. Унинг рус ва қорақалпоқ тилидаги таржимаси ҳам октябрь охиригача чоп этилиб жойларга етказилади. Бу борада фаолият кўрсатадиган муассасалар, жавобгар шахслар белгиланди.

Энг асосий савол ижрочилар — ўқитувчиларга берилди: қандай йўл тутсак бу фан ўқувчиларнинг юрагига етиб боради, қалбидан жой олади? Илғор ўқитувчиларнинг фикрлари пастдан юқорига томон йиғиладиган ва республика Таълим маркази томонидан барча ўқитувчи фойдалана оладиган қўлланма яратиш вазифаси ҳам қўйилди.

Газетамиз бу борада ўз ишини бошлаган. Бундан буён эса "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" рисоласининг мазмунмоҳиятини очиб беришга қаратилган, шунингдек, уни ўқув жараёнига олиб кириш билан боғлиқ бўлган манбаларни, Халқ таълими вазирлигининг миллий истиқлол ғоясини таълим мазмунига жорий этиш тадбирлари ижросини кенг ёритишни мақсад қилиб олди.

Кенгайтирилган ҳайъат йиғилишини халқ таълими вазири, ҳайъат раиси Рисбой Жўраев бошқарди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ҳамидулла Каророматов, олий ва ўрта махсус таълим вазири Саидаҳрор Ғуломов қатнашдилар.

Ҳ.САИДОВ

КУТУБХОНА 500 ТА КИТОБГА БОЙИДИ

Инсон китоб орқали яхшиликни ёмонликдан, гўзалликни ваҳшийликдан, олижанобликни номардликдан, муҳаббатни эса нафратдан ажрата олишни ўрганади. Барча буюк алломалар ўз буюкликларига китоб орқали эришишган. Яхши анъанага айланиб қолган "Китобсеварлар байрами" Чортоқ туманидаги умумтаълим йўналишидаги ихтисослаштирилган лицей-интернатида катта тантана билан нишонланди.

Тадбирда лицей кутубхона жамғармасини бойитиш учун жами 500 дан ортиқ китоб совға қилинди. Шулардан 200 таси ота-оналар ва устоз мураббийларнинг улуши бўлди.

Лицейнинг 9-"А" синф ўқувчилари томонидан тайёрланган "Китоб —қалб кўзгуси" мавзусидаги тадбир китобсеварлар байрамига алоҳида файз бағишлади. Китоб ҳақидаги донолар ўгитлари, ижодкор ўқувчилар шеърлари, қизиқарли топишмоқлар, дилрабо куй ва қўшиқлар мавзуни ёритишда алоҳида аҳамият касб этди. Айниқса, асар қаҳрамонлари ташрифини ўқувчилар хурсандчилик ва ҳаяжон билан кутиб олдилар.

Лицей ўқувчилари қалбида жуда катта таассурот қолдирган мазкур тадбирни ўтказишда ўзбек тили ва адабиёти фани муаллимаси Шоҳиста Усмоновонинг ҳиссаси катта бўлди.

М.ХОЛМИРЗАЕВА,
лицей кутубхоначиси

ХОРИЖ ТАЪЛИМИНИ ЎРГАНИШЯПТИ

Таълим тизимини янада такомиллаштириш мақсадида ривожланган давлатлар иш тажрибаси ва технологиясини ўрганиш учун иқтидорли мутахассисларни хорижий давлатларга юбориш ишлари Самарқанд вилоятида яхши йўлга қўйилган.

27 сентябрь куни уч нафар самарқандлик мутахассислар АҚШнинг Калифорния штати университетида ўз билим ва малакаларини ошириш учун жўнаб кетдилар.

Қўшработ туманидан Абдунаим Абдувоҳидов, Самарқанд шаҳридаги тил ўрганиш марказидан Малик Хўжаев, Самарқанд шаҳридаги 1 физика-математика лицейи ўқитувчиси Ҳосил Шодиевлар 6 ҳафта давомида америкалик ҳамкасблари иш тажрибаларини ўрганадилар. Улар бу имкониятни АКСЕЛС ва Ўзбекистон инглиз тили ўқитувчилари уюшмаси кўмагида қўлга киритдилар.

Август ойининг охирларида эса уч нафар самарқандлик ўқувчилар бир йил давомида Американинг турли штатларидаги мактабларида таҳсил олиш учун жўнаб кетишган эди.

Н.ШЕРБОЕВА,
ўз мухбиримиз

Тарих ва бадиий асар
3-бет

Ижодкор ўқувчилар анжумани яқин
4-бет

ТАРАДДУД

"Умид" жамғармаси грантига кимлар сазовор бўла олади?

Аслида, талаблар аниқ: ўз тенгқурларидан барча жиҳатлари бўйича анча ўзиб кетган, алоҳида иқтидорини намойиш эта олган талабагина хорижда таълим олиш имкониятини қўлга киритади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида чақирилган семинар-кенгаш иштирокчилари ана шу савол теграсида баҳс юритишди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазири, академик С.Ғуломов "Умид" жамғармаси танловига номзодларни танлаш, уларни тайёрлаш ва хориж олий ўқув юртларини битирган мутахассислардан фойдаланиш борасида олий ўқув юртлари раҳбарларининг масъулиятини ошириш ҳақида батафсил тўхталди. "Умид" жамғармаси ижрочи директори М.Зияев эса "Умид" жамғармаси гранти совриндорларининг хориж ўқув юртларида самарали таҳсил олишларини ташкил этиш вазифалари, 2001-2002 ўқув йили танлови мезонлари ҳақида гапирди.

Seminar

Хорижда таҳсил олаётган ўзбекистонлик ёшлар ҳақида қандай маълумотлар бор? Семинар кенгашда Тошкент Давлат иқтисодиёт, миллий, техника университетлари, Урганч Давлат университетларининг бу борадаги иш тажрибалари таҳлил этилди.

Тараддуд пухта, талаб даражасида бўлса, "Умид"нинг бўлғуси совриндорлари ҳам ўз номларига муносиб эканликларини кўрсатишади.

Мухбиримиз

ТЕСТ - БИЛИМ МЕЗОНИ

Сентябрь ойида олий ўқув юртлари талабалари сафи яна кенгайди. Тест синовларини муваффақиятли топшириб сту-дентлик шарафига муяссар бўлган йигит-қизлар учун ёзги ҳаяжонли лаҳзалар ортда қолди. Бироқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказида иш қизғин давом этмоқда. Марказ мутахассислари мамлакат олийгоҳларида ўтказилган тест синовлари якунларини таҳлил қилиш билан машғул. Давлат тест маркази директори, профессор Муҳсинжон Муҳиддинов ЎзА мухбирига ушбу таҳлил натижалари, 2000 йил тест синовларининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Билимли ёшларни олий ўқув юртларига холисона, ҳаққоний танлаб олиш, кадрлар тайёрлаш, унинг самарадорлигини ошириш, мамлакатнинг интеллектуал салоҳиятини бойитишда муҳим вазифа ҳисобланади. Айнан ёш, ҳар томонлама билимли мутахассислар жамият ҳаётининг барча соҳаларида ислоҳотларнинг жадал боришини таъминлаши керак. Президентимизнинг мамлакат келажаги, ўрнимизни кимлар эгаллаши, қандай кадрларни тарбиялашимизга боғлиқ эканлиги ҳақидаги сўзлари таълим тизимининг барча ходимлари қатори биз учун ҳам дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда абитуриентларни саралашнинг тест тизимига ўтилганига саккиз йил бўлди. Дастлаб бу янгиликка шубҳа билан қаровчилар, очиғи, анча-мунча эди. У, айниқса, кириш имтиҳонларини бойлик орттириш воситасига айлантириб олган кимсаларга кўпроқ ёқмагани ҳам рост. Вақтнинг ўзи ҳукуматимиз раҳбари нечоғли ҳақ эканини ва узоқни кўзлаб иш тутганини исботлаб берди. Ўзбекистон МДҲ давлатлари орасида биринчи бўлиб абитуриентларни саралаш тартибини ўзгартиришга қарор қилган эди. Бугунги кунда Россия, бошқа узоқ ва яқин хориж мамлакатларида ҳам шундай фикрга келишмоқда. Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, бугунги кунда тест тизими таълим соҳасида порахўрликдан қутилишнинг ягона воситасидир.

Ўзбекистонда ишлаб чиқилган кўп вариантли тест тизими чет эллик мутахассислар томонидан ҳам эътироф этилди. Шу йили баҳорда Тошкентда жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари, хусусан, Буюк Британия ва АҚШдан ташриф буюрган ўқув юртларига тест синовлари орқали қабул қилиш масалалари билан шуғулланувчи мутахассислар иштирокида илмий-амалий анжуман ўтказилди. Анжуман иштирокчилари бизнинг технологиямизни юқори баҳолашди. АҚШнинг «АКСЕЛС» халқаро таълим кенгаши ва Давлат тест маркази ўртасида тажриба ва мутахассислар алмашишни кўзда тутувчи ҳамкорлик ҳужжатлари имзоланди.

— Муҳсинжон Мўминович, сиз тест тизимини жорий қилиш абитуриентларни саралашга холисона ёндашувни кучайтиради, дедингиз. Бунга ким кафолат беради?

— Компьютер. Марказ мутахассислари ишлаб чиққан кўп вариантли тест тизими бутун жараённи тўлиқ автоматлаштирилишини таъминловчи ва инсон аралашувини истисно қилувчи замонавий компьютер технологияларига асосланган. Бугунги кунда барча фанлар бўйича 100 мингдан ортиқ саволларни ўз ичига олган тест топшириқлари банки ташкил этилган. Бу кўп вариантли тест топшириқларини моделлаштириш имконини беради. Саволларнинг кўпчилиги абитуриентнинг мустақил фикрлаш лаёқатига, унинг интеллектуал даражасини аниқлашга қаратилган.

(Давоми 2-бетда)

Сизнинг нашрингиз, ҳаммаслагингиз — «Маърифат» газетасига 2001 йил учун обуна бўлинг!

Ma'rifat

Нашр индекси:
якка обуначилар учун — 149,
ташкилотлар учун — 150.

Қани кўрайлик-чи, ўқитувчиларимиз нималарни ўқишар экан-а?

Б. РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

O'zimizni o'zimiz asraylik!

ХАВФСИЗ ҲАЁТ АСОСИ

XX аср охири инсон учун анчагина мураккаб яшаш муҳитини юзага келтирди. Ҳеч бир кун йўқки, дунёнинг бирор чеккасида авария, ҳалокат ёки табиий офат содир бўлганлиги тўғрисидаги хабарни эшитмасак. Бу ҳодисалар кўпинча одамларнинг нобуд бўлишларига ҳам сабаб бўлмоқда. Айрим ҳолларда инсонлар ўлимининг асосий сабабларидан бири уларнинг фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилишнинг энг оддий қоидаларини билмасликларидир.

Оилада фарзанд дунёга келгач, ҳаётнинг дастлабки йилларидан бошлаб унга ҳаёт хавфсизлигининг илк сабоқларини бера бошлаймиз. Электр асбоблари, газ, гугурт, пичоқ каби хавфли предметларни кўрсатамиз, улардан эҳтиёт бўлиш йўлларини ўргатамиз ва ҳоказо.

Бу хатти-ҳаракатларимиз ҳозирда ўрта мактабларимиз дастурларига киритилаётган "Ҳаёт хавфсизлиги асослари" фанини ўрганишга қўйилган дастлабки қадамлар десак, асло янглишмаймиз. Бола бошидан деганларидек, аслида бу фанни нафақат ўрта мактабда, балки мактабгача таълим муассасаларидан бошлабоқ ўрганиш зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Сўнгра уни ўрта мактабларда, лицей, коллеж, институтларда давом эттириш билан ёш авлодни фавқулодда вазиятлар чоғида тўғри ҳаракат қилишга ўргатишнинг узлуксизлигига эришган бўламиз. Бу фарзандларимизда турли хавф-хатарларга нисбатан руҳий барқарорлик, кундалик турмушимизда ўзларини онгли тута олиш, техника билан тўғри мулоқотда бўлиш, табиат, ён-атрофдаги одамлар билан алоқада бўлиш ҳиссини юзага келтиришимизда ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан умумий ўрта таълим муассасалари учун "Ҳаёт хавфсизлиги асослари" предметидан дастур-минимум ишлаб чиқилиши ва республикамиз мактабларига тарқатилганлиги нур устига аъло нур бўлди. Бироқ, бу предмет учун ўқув режасида алоҳида соатлар ажратилмаганлиги сабабми ёки муаллимларимиз қўлида керакли қўлланмаларнинг йўқлиги боис, кўпгина ўқув даргоҳларида ўтган ўқув йилида бу дастур бажарилмади.

Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Фуқаро муҳофазаси институти билан Чилонзор туманидаги Одил Қаюмов номидаги 131-ўрта мактаб ўртасида ҳамкорлик шартномаси тузилганлиги ва тажриба тарақасида 5-синфдан бошлаб "Ҳаёт хавфсизлиги асослари" фани ўқитила бошланганлиги тўғрисида гапириб ўтган эдик ("Маърифат", № 90, 13.11.99 й.).

Институт ходимлари дарс олиб бориш жараёнида тўпланган материалларни республикамиз ўрта мактаблари ўқитувчиларига услубий ёрдам сифатида "Маърифат" газетаси саҳифаларида эълон қилиб боришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйдилар. Мавзулар Халқ таълими вазирлиги ишлаб чиққан дастур-минимум асосида ёритилади.

Институт ўқитувчиларининг бу ташаббуси "Соғлом авлод" йили дастурини амалга оширишга қўшган камтарона ҳиссалари бўлади, деб умид қиламиз.

Ўз навбатида, шу йўналишда иш олиб бораётган ҳамкасабаларимизнинг фикр-мулоҳазаларини кутиб қоламиз.

Захро ИЛЁСОВА,
Фуқаро муҳофазаси институти ўқитувчиси

Таҳлил жараёнида мустақиллик йилларида вилоятлардаги университет ва институтларга кириш танлови сезиларли даражада ўсганлиги аниқланди.

Сиз сувнинг ёнғин ҳодисаси сабабчиси бўлиши мумкинлигини тасаввур қила оласизми?

Бугунги долғали замонда огоҳликка даъватни кучайтиришда тадбирлар ўтказиш, айниқса, ёшлар билан бўлаётган учрашувлар, йиғинларнинг аҳамияти каттадир. "Талабалар шаҳарчаси"да ёшлар ҳушёрлигини ошириш, уларни огоҳликка чақиришга бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Унда С.Раҳимов туман прокурори Бахтиёр Пўлатов, "Талабалар шаҳарчаси" ҳокими Аъзам Акбархўжаев, шаҳарча директори Адҳам Эргашевлар ўз фикр-мулоҳазалари билан қатнашдилар. Дастлаб А.Акбархўжаев сўз юритгач, терроризм, диний оқимлар, уларнинг фаолияти хусусида Бахтиёр Пўлатов батафсил маълумот берди. Суҳбат давомида талабалар моҳиятан англаб етмаган саволларига жавоб олдилар ва фикр-мулоҳаза юритдилар. Барча талабалар номидан шуни айтмоқчимизки, учрашув чинакам маънода ватан туйғусини англашда биз ёшларга сабоқ бўлди.

* * *

"XX аср вабоси" бўлмиш СПИД, унинг пайдо бўлиши, касалликнинг олдини олиш чоралари ҳақидаги семинар-

МУТАХАССИСЛАР ВА ТАЛАБАЛАР

йиғилиш шаҳарчадаги барча талабалар эътиборидан четда қолмади. Шаҳарча ҳокими муовини Мавлуда Аҳмедова, Лола Абдужабборовалар ўзларининг қизиқарли маърузалари билан ёшларнинг тиббий билимларини оз бўлсада бойитишга ҳаракат қилдилар.

—"СПИД дастлаб 1983 йили Американинг Атланта шаҳрида пайдо бўлди. 1998 йилга қадар 30 млн. нафар бемор аниқланди. Шу йили Ўзбекистонда 45 та бемор борлиги маълум бўлди. Сиз ёшлар доимо ҳушёр бўлиб, ана шу каби ёмон касалликлардан ўзингизни ҳимоя қилинг", - дейди суҳбат чоғида Лола Абдужабборова. Шу билан бирга, гиёҳвандлик, алкоголизм ҳам шу касалликка олиб бориши, чекиш, ичишнинг қанчалик зарарли экани ёшларга тушунтирилди. Шуниси қувонарлики, шаҳарча ҳокимияти қошида талабаларга бепул хизмат кўрсатувчи "Ишонч пункти" очилгани, у ерда ёшларнинг барча муаммолари ҳал қилиниши хусусида унинг бошқарувчиси Назия Сиддиқжонова батафсил маълумот берди. Хуллас, семинар йиғилиши талабаларнинг тиббий хулоса чиқаришида ўзига хос бир сабоқ бўлди. Бунинг учун улар шаҳарча ҳокимиятига миннатдорчилик билдирдилар.

Муножат МЎМИНОВА

ТЕХНИКА АСРИНИНГ ПОЙДЕВОРИ

Пайғамбаримизнинг муборак ҳадисларида ҳам, "Бешикдан то қабргача илм изла" деб даъват қилинади. Илмни ҳеч ким, ҳеч бир мезон асосида ўлчай олган эмас. Чексиз хазина тугаши, ҳайбатли обрўмансаб сўниши мумкин, аммо у тугамайди. Дарёнинг, денгизнинг сувини ўлчаш мумкин. Илм эса чексиз уммон, мудом қайнаб турган чашмадир.

Мухбиримиз Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетида бўлиб, асосий бўғин ҳисобланган магистратура таълимининг йўлга қўйилиши хусусида университет ректори муовини, иқтидорли ёш олим, техника фанлари доктори Садриддин Туробжонов билан суҳбатлашди.

Қисқача маълумот: Садриддин Туробжонов — 1965 йилда туғилган. 1992 йилда номзодлик, 1999 йилда докторлик диссертациясини ёқлаган. 80 дан ортиқ илмий мақолалар, 5 та ихтиро муаллифи. Ихтиролари ишлаб чиқаришга жорий этилган. Унинг раҳбарлигида 3 нафар аспирант илмий ишини муваффақиятли ёқлаган.

— Садриддин ака, дастлаб магистратурага қабул қай тарзда бўлганлиги, қайси мутахассисликлар бўйича неча нафар талаба магистрантликка қабул қилинганлиги тўғрисида сўзлаб берсангиз.

— Бу йилги 2000-2001 ўқув йилида республикамиз бўйича магистратурага 3600 та ўрин берилган бўлса шундан 322 таси техника унверситетига ажратилганлиги бу соҳага эътибор катта эканлигини кўрсатади. Бу бизни фахрлантирса, иккинчи томондан ишимизга янада масъулият билан қарашимизни талаб этади. Магистратурага 46 та мутахассислик бўйича 500 дан зиёд талаба ариза топширган эди. Биз, биринчи навбатда, имтиёзли дипломга эга бўлган талабаларни (улар 40 нафарни ташкил этади), сўнгра қолганларни танлов асосида ўқишга қабул қилдик. Улар келажакда бизнинг ўринбосарларимиз бўлиб қоладилар. Талабалар учта фандан синов-имтиҳон топширишди. Конкурсда мамлакатимиздаги бошқа техника олий ўқув юртлари битирувчилари ҳам қатнашдилар. Уларнинг кўпчилиги давлат стипендияси совриндорлари эди. Тест саволларининг йилдан-йилга янгиланиб, кўпайиб бориши талабгорларни танлаб қабул қилиш сифатига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Магистратурага қабул қилинган 322 нафар талабанинг 117 нафари давлат гранти асосида, 205 нафари эса тўловшартнома асосида ўқийди. Ўз кадрлари сифатини оширишни кўзлаган Геология вазирлиги, Энергетика вазирлиги тизимидаги ташкилотлар, "Кўмир" ҳиссадорлик уюшмаси, "Ўзнефтгазхолдинг" компанияси, Бекобод металлургия заводи мутасаддилари магистрларнинг тўлов-шартномаси учун маблағ ажратишга кўмаклашмоқда.

Талабаларга ўқитишнинг тўлов-шартнома шакли учун кредитлар ажратиш ва таълим муддатидан сўнг магистратурада ўқиган талаба ўзининг ўқиши учун пул тўлаган завод-корхонада ишлаб маблағни эгасига қайтариш тартиби ишлаб чиқилмоқда. Бунда магистрант манфаатдор билан шартнома тузиб, ўқиш имконига эга бўлади. Агар у 2-3 йил магистратурада ўқиса, корхона-ташкилот учун 3-5 йил ишлаб беришга тўғри келади. Корхона ва ишлаб чиқариш билан яқиндан танишлиги талабанинг илмий ишига, келажакда етук мутахассис бўлиб етишишига катта ёрдам беради.

— Бўлажак магистрларга таълим-тарбия берадиган малакали ўқитувчилар, дарсликлар етарлими?

— Магистратурада таълим берадиган ўқитувчиларимизнинг 80 фоизини фан докторлари, профессорлар ташкил этиб, уларнинг кўпчилиги корхоналар, илмий-

Oliy ta'lim

тадқиқот институтларида амалиёт билан шуғулланишади. Магистрантларни ҳар бир кафедрага тақсимлаганимизда, 5-10 нафардан тўғри келади. Уларнинг ҳар бирига кафедра пухта билим бера олади. Ўз устида тинимсиз ишлайдиган, изланувчан, ўз шогирдларига эга бўлган малакали ўқитувчиларимиз ҳам магистратурада муваффақиятли иш олиб боришмоқда. Илм масканимизда Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги "Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминланишини такомиллаштириш тўғрисида"ги 4-сонли қарорини ҳаётга тадбиқ эта бориб, дарсликлар масаласи тўғри ҳал этилган. Кутубхонамизда давлат тилида нашр этилган кўплаб адабиётлар бор. 430 та маъруза матнлари чоп этилган. Агар кутубхонадаги манбаларни компьютер-интернетга киритиб олсак, ҳар бир талаба кафедра, аудиториядан туриб, дунёнинг бошқа бурчагидаги кутубхонадан ҳам фойдаланиш имконига эга бўлади. Бундан мақсад — талаба дарсгача ўқитувчи баён қиладиган фикр билан танишсин, токи у аудиторияга аввалгидек, хоҳласа-хоҳламаса, 90 дақиқа "қимирламай" маъруза ёзишга эмас, баҳслашиш, мунозара қилиб, дунёқараши, билимини ошириш учун келсин. Юқоридагиларга қўшимча равишда Европа давлатлари, Россияда сўнгги йилларда чоп этилган 1000 дан зиёд дарслик ва қўлланмалар келтирилган. Барча фанлар учун ўқув режалари тўлиқ ишлаб чиқилган. Бундан ташқари, мамлакатимиздаги бошқа техника олий ўқув юртларига шартнома асосида қўллланма ва дарсликлар етказиб берамиз.

— Магистратура ташкил этилгандан буён маълум муддат вақт ўтди. Уни ташкил этишдан мақсад нима эди ва эришилган натижалар сизни қониқтирадими?

— Илм масканимизда биринчи бўлиб, шу ўқув йилидан эътиборан «Магистрантларни бошқариш» факультети иш бошлади. Эндиликда барча соҳаларда илмий изланиш олиб бораётган магистрантлар фаолияти марказлашган ҳолда бошқариб борилади.

Биз шу ўқув йилидан бошлаб магистрантларнинг илмий изланишларини амалиётлар билан узвий боғлиқликда олиб боришга катта эътибор бермоқдамиз. Уларнинг танлаган соҳаларидаги муваффақиятлари мамлакатимиз ишлаб чиқариши сифатига бевосита алоқадор. Бу борада халқаро "ТАСИС-Темпус" дастури асосида 2 та лойиҳа бўйича Германиянинг Гамбург — Гарбург, Голландиянинг Твенти университетлари, Афина, Берлин технология университетлари билан ҳамкорликда энергетика менежменти, информацион технологиялар мутахассислиги бўйича тажриба алмашинуви йўлга қўйилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, XX аср Рокфеллер, Морган, Фордларни етиштириб берган бўлса, XXI аср ҳам, шубҳасиз, техника тараққиёти асри бўлади. Янги асримизда инсоният мислсиз техника ютуқларига эришади. Ёшларимиз ўртасида ҳам бошқа, "ёғли" соҳаларга эмас, айнан техника соҳасига қизиқиш ва эҳтиёж кучаяди. Корхоналаримизнинг илғор замонавий фан-техника ютуқларини тўла эгаллаган малакали миллий кадрларга бўлган эҳтиёжи тўлиқ қондирилади.

—Самимий суҳбатингиз учун раҳмат.

В.БОЙМУРОДОВ суҳбатлашди.



Болалар ҳамиша эътиборга муҳтож. Айниқса, ногирон ўғил-қизларнинг кўнгли ўксик бўлади. Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган "Енграг" халқаро ташкилотининг вакили, инглиз тили ўқитувчиси Дилфуза Ҳасанова буни чуқур ҳис қилади ва улар билан кўпроқ шуғулланади.

Суратда: жонкуяр ўқитувчи Дилфуза Ҳасанова навбатдаги машғулот пайтида.

Р.АЛЬБЕКОВ олган сурат

(Давоми. Боши 1-бетда)

Йилдан йилга у ёки бу фанга оид тест саволлари вариантлари кўпайиб, уларнинг мураккаблик даражаси ошиб бормоқда. Саволлар мураккаблигини ошириш абитуриентларни фанни янада чуқурроқ ўрганиш, рақамлар, факт ва қоидаларни шунчаки ёдлаш билан кифояланмай, уларни тушунишга интилишларини рағбатлантиради.

Ҳар бир вариантга, «Ахборотнома» ва «Вестник» журналларида эълон қилинганлардан ташқари банкимизда мавжуд бўлган қўшимча саволлар ҳам киритилди. Бу саволлар компьютер орқали барча вариантларга баравар бўлинган. Бу йилги синов якунларининг таҳлили тест синовлари ёшларнинг ўзига хос билим индикатори эканлигини яна бир бор исботлади. Масалан, пухта тайёрланганлар эълон қилинмаган саволларга ҳам тўғри жавоб беришди. Бу эса мустақил фикрлай оладиган абитуриентларга афзаллик берадиган тизимимизнинг саралаш имконияти янада ошганлигидан далолат беради.

— Бу йил олий ўқув юртларига кираётганлар орасида танлов қандай ўтди?

— Танлов ишимизнинг энг муҳим таркибий қисмидир. Ўзбекистон олий ўқув юртларига танлов йилдан йилга ошиб бормоқда. Жорий йилда бу кўрсаткич битта ўринга ўртача 10-16 кишини ташкил этди. Кундузги ва сиртқи бўлимларга кирувчилар сони 1996 йилга нисбатан икки баравар ошди ва 215 мингдан ортиқ абитуриентни ташкил этди. Энг муҳими, қишлоқ жойларидан келган абитуриентлар улуши ошиб бормоқда. Бугунги кунда олий ўқув юртларига қабул қилинганларнинг учдан икки қисмини қишлоқ ёшлари ташкил этади. Яна шуниси қизиққи, ўқишга кираётганларнинг ярмига яқини мактабларни илгари битирган ёшлардан иборат. Демак ёшлар олий маълумот энг зарур бойлик эканини, унинг нуфузи тобора ошиб бораётганини тушунган ҳолда билим олишга интилмоқда.

Яна бир қизиқарли факт. Таҳлил жараёнида мустақиллик йилларида вилоятлардаги университет ва институтларга кириш танлови сезиларли даражада ўсганлиги аниқланди. Буларнинг барчаси, бир томондан, мамлакатимиз олий ўқув юртларида билим бериш сифати ошганини, иккинчи томондан, илм олишни хоҳловчилар сони кўпайиб бораётганини кўрсатади. Шу билан бирга, бу - олий ўқув юртларига қабул қилишнинг энг ҳаққоний ва холисона усули бўлган тест тизимига ишонч ортиб бораётганидан далолат беради.

— Ҳозирги кунда ёшлар ўртасида қайси мутахассисликларга қизиқиш кучли?

— Кейинги бир неча йилларда ҳуқуқшунослик, тарих, педагогика, чет тиллари, иқтисодиёт, молия мутахассисликларига танлов юқори бўлмоқда. Бундан ташқари, бу йил таълимнинг физика, математика, биология, фалсафа, тиббиёт каби йўналишлари бўйича абитуриентлар сони ошди.

— Тест тизими қандай такомиллаштирилаётгани, бу йилги синовларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Тест тизимининг асосий вазифаси - олий ўқув юртларида ўқишга муносибларни аниқлашда адолат ва холисоналикни таъминлаш эканлигини яна бир бор таъкидламоқчиман. Ишимизни айнан мана шу йўналишда такомиллаштириб борамиз. Жорий йилда хатоликка йўл қўймаслик учун тест вазифалари жавобларини текширишни ҳам бироз мураккаблаштирдик - уларни икки марта ўқиш ва бир йўла қайта ишлашни йўлга қўйдик. Албатта, буларнинг барчаси, ҳали айтиб ўтганимдек, компьютерда бажарилди.

Бундан ташқари, яна бир янгилик жорий қилинди. Абитуриентларни синовдан ўтказиш пайтида мамлакатимиздаги барча олий ўқув юртлари марказимиздаги ягона компьютер тармоғи орқали бирлаштирилди. Кечаю-кундуз модем алоқаси орқали марказимизга абитуриентлар ҳақида ахборот - паспорт маълумотлари, танлаган мутахассислиги, қайси тилда ўқимоқчилиги ҳақидаги маълумотлар келиб турди. Бу бизга тест синовларини ўтказиш пайтида ҳар қандай қоида бузилишининг олдини олиш мақсадида абитуриентлар гуруҳларини шакллаштиришда ва уларни аудиторияга жойлаштиришда ёрдам берди. Шунингдек, тест синовлари жараёнини кузатиш топширилган аудиториялар раҳбарлари - ўқитувчилар тақсимоти ҳам кутилмаган тарзда ҳал этилди. Бу йил синовларни ўтказишда холисоналикни ошириш учун ҳар бир жавоб варақасига яна битта қўшимча пункт киритилди. Унда абитуриентнинг тест синови ўтказилишига берган баҳоси қайд этилиши лозим эди. Салбий фикр-мулоҳазалар компьютерда рўйхатга олинди. Бу маълумотлар бизга бугунги кунда жавоб варақаларини тўлдиришда, йўл қўйилган қоида бузилишларни аниқлашда ёрдам беради.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, абитуриентлар тест синовларини топширишгач, унинг натижаларини интизорлик билан кутишади. Шунинг учун, синов натижалари Давлат комиссиясининг қарори эълон қилингунга қадар бериб борилди. Барча олий ўқув юртлари у ёки бу абитуриент тўплаган баллар миқдори тўғрисидаги маълумотни тезкорлик билан олиб туришди. Ушбу маълумот бўйича абитуриентнинг ўзи ўқув юртига кирган ёки кирмаганлигини билиб олиши имконига эга бўлди.

Республика олий ўқув юртларига кириш учун тест синовлари ўтказилганига икки ойча бўлганига қарамасдан, синов натижаларининг тўғрилигига шубҳа қилганлар учун Марказ эшиклари доимо очиқ. Бу йил омади чопмаган ҳар бир абитуриент бу ерда ўзининг хатолари қайд қилинган жавоб варақаларини олиши мумкин. Абитуриентга унинг жавоб варақаси, тест саволлари китоби берилади, фан бўйича эксперт эса унинг хатосини тушунтиради. Бу каби билимни баҳолаш тизими бошқа ҳеч бир мамлакатда қўлланилмайди. Биз буни ҳар бир шубҳаланувчи ўтказилган синовнинг холисоналигини ўз кўзи билан кўриши учун қўладик.

— Сиз менга бу йил қабул қилинганларнинг учдан бир қисмидан кўпроғи олий ўқув юртларига кириш учун керакли бўлган билимнинг 20 фоизига эга эканлиги ҳақидаги маълумотни кўрсатдингиз. Бу рақамлар нимадан далолат беради?

— Афсуски, бу рақамлар ёшларимизнинг мактабда олаётган билимлари сифатини акс эттиради. Тест синовлари таҳлили айнан шундай заиф жойларни аниқлашга йўналтирилган бўлиб, аниқ хулосалар чиқаришга ёрдам беради. Бугунги кунда ўқитувчи ўқувчиларга ўргатилаётган фаннинг моҳиятини, асосларини, у ёки бу жараёнларнинг қонуниятларини англашга ўргатиши лозим. Президентимиз таъбири билан айтганда, таълимда асосийси шакл эмас, балки унинг мазмуни, олинган билимларни ишлата билиш қобилиятидир.

Таҳлил жараёнида Марказ мутахассислари мактаб таълимида мавжуд яна бир салбий хусусиятни аниқлашди. Энг кам балл тўплаганларнинг кўпчилигининг шаҳодатномасида яхши баҳолар қўйилган. Ошириб қўйилган баҳолар ўқитувчиларнинг нохолислиги, ўқувчиларнинг билим сифатини ихтиёрий белгилашларидан далолат беради. Балки, бугунги мактаб ягона, ҳамма учун умумий бўлган билим даражасини баҳолаш мезонига муҳтождир. У баҳолашнинг ҳаққонийлигини таъминлабгина қолмай, ўқитувчи фаолиятига ҳам холис баҳо бериш имкониятини яратган бўлур эди.

Кўриб турганингиздек, жорий йилда республика олий ўқув юртларида ўтказилган тест синовларининг оддий рақамларда ифодаланган натижаларининг ўзи таълим тизими ходимлари учун кўплаб хулосалар беради. Зеро, барчамизнинг умумий мақсадимиз - ёш авлодни мустақиллик ғояларига садоқатли, баркамол ва билимли этиб тарбиялашдан иборат.

Анна ИВАНОВА суҳбатлашди. ЎзА мухбири.

ТЕСТ - БИЛИМ МЕЗОНИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

"Ҳаёт хавфсизлиги асослари" курси бўйича 5—9-синфлар учун тахминий тематик режа

№	Мавзулар номи	Жами	Синфлар бўйича			соат	
1.	Турар-жойлардаги авария характеридаги фавқулодда вазиятлар	2	2	-	-	-	-
2.	Транспортдаги фавқулодда вазиятлар	2	2	-	-	-	-
3.	Криминоген турдаги фавқулодда вазиятлар	2	2	-	-	-	-
4.	Хавфли табиий жараён ва ҳодисалар	1	-	1	-	-	-
5.	Зилзила	3	-	3	-	-	-
6.	Ўпирилиш, кўчки ва селлар	2	-	-	2	-	-
7.	Бўрон, тўфон ва қуюнлар	1	-	-	1	-	-
8.	Сув босишлари	2	-	-	2	-	-
9.	Ишлаб чиқаришдаги авария ва ҳалокатлар	2	-	-	-	2	-
10.	Ёнғин ва портлашлар	2	-	-	-	2	-
11.	Ишлаб чиқаришдаги кимёвий воситаларнинг чиқиб кетиши билан боғлиқ авариялар	2	-	-	-	2	-
12.	Ишлаб чиқаришдаги радиоактив моддаларнинг чиқиб кетиши билан боғлиқ авариялар	2	-	-	-	-	2
13.	Гидродинамик авариялар	2	-	-	-	-	2
14.	Экологик мувозанатнинг бузилиши	2	-	-	-	-	2
15.	Жароҳатланганда ва бахтсиз ҳодисаларда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш усуллари	6	2	2	1	1	-
16.	Соғлом ҳаёт тарзи асослари	7	-	2	2	1	2
	Жами	40	8	8	8	8	8

1-мавзу. ТУРАР-ЖОЙЛАРДАГИ АВАРИЯ ХАРАКТЕРИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР

1-дарс

Ҳаётининг анчагина қисмини одам ўз уйида ўтказади. Бундай олиб қараганда, уйимизда бизга хавф-хатар таҳдид солмаётгандек туюлади. Шу сабабли бўлса керак, баъзан энг оддий хавфсизлик қоидаларини ҳам четлаб ўтиб, кечирилмас хатоларга йўл қўямиз. Телевизор ёки дазмолни ўчиришни унутамиз, ошхона ёки ваннахонадаги жўмраклар беркитилганми ё йўқлигини текшириб кўришга эринамиз. Оқибатда назоратсиз қолдирилган электр асбоблари(дазмол, телевизор, электр чойнаги, электр плитаси ва б.)дан ёнғин чиқади. Ошхона ёки ваннахонадаги ўз вақтида беркитилмаган жўмрак сув босиши сабабчиси бўлади. Газнинг чиқиб кетиши заҳарланишга, ҳатто портлашга олиб келади. Болалар кўзидан четга олиб қўйилмаган маиший кимёвий воситалар уларнинг заҳарланишига олиб келиши мумкин. Мана шундай хавфли ҳодисалар фавқулодда вазиятлар деб аталади. Шундай қилиб, турар жойларда энг кўп тарқалган фавқулодда вазиятлар сабабчилари носоз ёки назоратсиз қолдирилган электр асбоблари: ўт, портловчи ва заҳарли моддалар билан ўйнаш; бинолар конструкцияларинг зарарланиши, коммуникацияларнинг бузилиши бўлиши мумкин экан.

Буларнинг оқибатида аланга олиш, ёнғин чиқиши; ис гази, заҳарли моддалар билан заҳарланиш; турар-жойларни сув босиши; одамлар қурбон бўлиши, соғлиғига зиён етиши, атроф-муҳит ифлосланиши ва мол-мулкнинг нобуд бўлиш ҳодисалари содир бўлиш мумкин.

Замонавий турар-жойларга назар ташласак, уларнинг турли-туман эканлигини кўрамиз: кўп қаватли уйлар, шахсий уйлар, дала ҳовли, эски қурилган бинолар ва ҳ.к. Уйларимизнинг қанчалик мустаҳкам бўлиши унинг конструкция элементларига ва улардан тўғри фойдаланишга боғлиқ.

Уйимизнинг конструкция элементларига нималар киради? Улар қанчалик мустаҳкам? Агар улардан бирортаси бузилиб қолса, бунда бизга қандай ноқулайликлар туғилади?

Барчамизга маълумки, замонавий кўп қаватли уйларда сув (совуқ ва иссиқ), иссиқлик, электр энергияси, канализация, теле ва радиотармоқлар марказлашган бўлади. Бундан ташқари бино конструкцияси элементларига қуйидагилар ҳам киради: зиналар, лифтлар, том (чердаклар, кир қуритиш жойлари), ертўла, шунингдек, айвонлар. Замонавий турар жойларнинг ҳаётий таъминотида унинг барча тизимларидан: водопровод, иссиқлик ва электр тармоқлари, теле ва радиоалоқалар, газ таъминотидан тўғри фойдаланиш муҳим ўрин тутади. Бу тармоқлардан тўғри фойдаланиш қоидаларига риоя қилмаслик оғир оқибатларга, катта моддий зарарга, ҳатто одамларнинг ўлимига олиб келиши мумкин. Масалан, чиқинди ташлаш қувурига тасодифан ташланган сигарета қолдиғи ёки ўчирилмаган гугурт чўпи саноқли дақиқаларда биринчи қаватдан охирги қаватгача ёнғин чиқишига олиб келиши мумкин. Ёки айтайлик, жўмракдан озгина

ХАВФСИЗ ҲАЁТ АСОСИ

сувнинг оқиб туриши, бу хавфлими ёки йўқми? Сиз сувнинг ёнғин ҳодисаси сабабчиси бўлиши мумкинлигини тасаввур қила оласизми? Йўқ! Лекин, бу ҳақиқат. Мана, қаранг. Сиз бир неча кунга дала ҳовлингизга кетдингиз, дейлик. Сув эса аста-секин оқиб туриб разеткагача етиши мумкин. Шунда қисқа туташув содир бўлиб, ёнғин келиб чиқади.

Яна бир мисол: меҳмонга шоша туриб, газ плитасини тўла ўчирмадингиз. Дераза ёпиқ, газ эса табиийки, биринчи навбатда ошхонада тўпланади. Меҳмондан қайтгач, ошхонага кириб чироқни ёқасиз. Бундай ҳолда ёнғинни, ҳатто портлаш ҳодисасини четлаб ўта олмайсиз. Шундай экан, тўғри ҳаракатингиз қандай бўлиши лозим? Газ ҳиди чиқиб кетганини сезиб қолдингизми, дарҳол хонани шамоллатиш, электр асбобларидан фойдаланмаслик ва чироқни ўчириб-ёқмаслик керак.

Газ плитасидан фойдаланишда қайнаётган суюқликка қараб туриш лозим, чунки қайнаётган суюқлик тошиб оловни ўчириб қўйиши мумкин. Бундай ҳолда газ билан заҳарланиш ҳодисаси содир бўлади. Шунингдек, газ конфоркаларини доимо тозалаб туриш лозим. Олов зангори ва равон бўлиши керак. Агар сариқ ёки қизғиш бўлса, билингки, ёниш жараёни нотўғри бўлаяпти.

Ёки бўлмаса, ким ўйлабди дейсиз, қиш вақтида томлардан осилиб турган чиройли сумалаклар ойлаб даволанишни талаб этадиган жароҳатларга олиб келиши мумкин деб. Катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган ёши улуғ кексаларимиз кўп қаватли уйларга яқинлашгач, тўхтаб юқорига бир қараб оладилар. Уларнинг ниғоҳини ўзига нима жалб қилиши мумкин? Аслида улар чиройли сумалакларни томоша қилиш учун эмас, аксинча, танлаган йўллари хавфсиз эканлигига, юқорида уларга ҳеч қандай хавф мавжуд эмаслигига ишонч ҳосил қилиш учун ҳам юқорига бир қараб оладилар.

Яна бир бахтсизлик сабаби — болаларнинг уй, мактаб, биноларнинг айвон деразаларидан, томларидан йиқилишларидир. Бундай ҳол содир бўлмаслиги учун деразаларни очиб қўймаслик лозим. Хоналарни шамоллатиш учун дераза дарчаларининг очиқ туриши етарлидир.

Инсониятга олов жуда зарур. У ҳайвонот дунёсидан фарқли ўлароқ, аллақачонлар оловдан фойдаланишни ўрганиб олган. Олов ёрдамида кўплаб фойдали ишлар амалга оширилади. У одамларга ҳаётда ва ишлаб чиқаришда сидқидилдан хизмат қилади. Лекин, шундай қоллар ҳам бўладики, олов содиқ дўстдан аёвсиз душманга айланиши мумкин. У йиллар давомида тинимсиз меҳнат билан бунёд этилган нарсаларни қисқа фурсат ичида йўқ қилиб ташлаши ҳеч гап эмас.

Хўш, ёнғиннинг ўзи нима? Ёнғин чиқишининг сабаблари нимада? Нима учун ёнғин вақтида нафас олиш қийинлашади? Бу саволларга жавоб беришга ҳаракат қилиб кўрайлик. Ёнғин - инсон назоратидан чиқиб кетган олов. Ёнғин катта зарар кўришга, ҳатто одамларнинг нобуд бўлишига олиб келади.

У турли сабабларга кўра вужудга келади. Ёнғинлар барча ерда—боғчалар, мактаблар, турар жойларда, корхоналарда, қишлоқ хўжалик объектларида содир бўлиши мумкин. Тегирмонлардаги ун, қанд заводидаги қанд упаси, ёғочни қайта ишлаш корхоналаридаги ёғоч қипиқлари ва бошқалар ёнғинга сабаб бўлиши мумкин.

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, ёнғин чиқиши учун зарур шароит бўлиши керак экан. Ёнғин чиқиши учун ёнувчи конструкция элементлари, мебель, кийим, қоғоз, бўёқлар каби ёнувчи модда; етарли миқдорда кислород ва ёниш манбаи (очиқ олов, электр симларининг қизиб кетиши ва ҳ.к.) мавжуд бўлиши ш а р т .

Мана шу шартлар бир вақтнинг ўзида бажарилгандагина ёнғин ҳодисаси содир бўлади. Улардан бирортасининг бажарилмаслиги ёнғин чиқиши учун асос бўла олмайди.

Ёнғин чиқиши учун етарли шароит билан бир қаторда бирор сабаб ҳам бўлиши зарур. Асосий сабаблардан биттаси — инсоннинг эътиборсизлигидир. Масалан, ёш болаларнинг гугурт ўйнаши, печкаларни ёқишда бензин, керосин каби воситалардан фойдаланиш, кийим ва буюмларни яхши шамоллатмайдиган ёки олов ёниб турган жойларда портлаш хавфи мавжуд бўлган моддалар билан тозалаш, ёнғин чиқиши хавфи мавжуд жойларга сигарет қолдиғини ташлаш ва оловдан нотўғри фойдаланиш (шам, лампа ва б.), енгил ёнувчи суюқликларни иссиқлик манбаи ёнига қўйиш, арчани безатишда қўлбола электр ўйинчоқлардан фойдаланиш, мактаб маскарад костюмларининг ўт олмайдиган махсус таркиб билан шимдирилмаслиги ва ҳ.к.

Электр мосламаларнинг носозлиги ёки улардан нотўғри фойдаланиш ёнғин чиқишининг иккинчи сабабидир. Яъни, электр плитка, электр иситувчи асбоблар, телевизор, дазмол, чойнаклардан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш; бир нечта асбобни битта разеткага тиқиш, электр симларининг очилиб қолиши, электр симини нотўғри улаш.

Чақмоқ чақиши ёки электр асбоблари ёниб кетиши натижасида ўз-ўзидан ёнғин чиқиш ҳодисаси содир бўлиши мумкин.

Хавфсизлик қоидаларини менсимаслик оқибатида одамларга ёруғлик ва энергия берувчи ҳузурбахш манба кулфат сабабчисига айланиши мумкин. Электр асбоблари нотўғри ишлаётганининг биринчи белгиси ёнаётган резина ва елим ҳиди чиқиши, улар айрим қисмларининг қизиб кетиши, учқун пайдо бўлишидир. Бундай ҳолатни сезишингиз билан дарҳол электр асбобларини ўчиришингиз лозим.

Ёнғин чиқишига йўл қўймаслик учун баъзи қоидаларга риоя қилишга тўғри келади. Масалан, гугурт ўйинчоқ эмас, буни доимо ёдда тутиш; газ, электр, иситиш асбобларидан фойдаланиш қоидаларини билиш ва доимо ёдда тутиш; электр асбобларини ёққан ҳолда қолдирмаслик; катта қувватли электр асбобларининг бир нечтасини бир вақтда ишлатмаслик; симлари очилиб қолган электр асбобларидан фойдаланмаслик; газ плитаси тепасида кир қуритмаслик.

Энг муҳими, ёнғин чиқмаслиги учун, аввало, ўзингиз ёнғин сабабчиси бўлмаслигингиз зарурлигини доимо ёдда сақланг.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ёнғин чиқишига қарши чора-тадбирлар ёнғин пайдо бўлишининг эҳтимолини йўқ қилиш, ёнғин чиққан бўлса, унинг тарқалиб кетишига йўл қўймасликдан иборат бўлиши керак экан.

Maktablar hayotidan

БОЛАЛИК БИЛАН МУЛОҚОТ

Барибир, болалар биздан бахтлироқдирлар. "Болалигим, сени соғиндим" деб хиргойи қилиб юришимиз шундан. Гарчи болаликдан дақиқа сайин узоқлашаверсак-да, кўнгил болаликка талпинаверади. Болалар билан суҳбатлашсак, дунёнинг ташвишларини, ёлғонларини унутгандек бўламиз. Болаларнинг истаклари ижобат. Болалигим — пошшолигим, дейишади. Бу пошшолар билан муомала қилиш ҳам осон эмас.

Айни кунларда Тошкентдаги 160-иқтисод йўналишидаги мактаб-лицейда Низомий номидаги педагогика университети ўзбек тили ва адабиёти факультетининг 4-курс "Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўзбек тили" гуруҳи талабалари сабоқларда олган назарий билимларини амалиётга татбиқ этмоқдалар. Бунда уларга ўқитувчилар М.Усмонова, М.Сиддиқова ҳамда К.Ваҳобовалар раҳбарлик қилишаяпти.

Устозлар, талабалар билан суҳбатлашамиз.

— 160-мактаб пойтахтнинг илғор мактабларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда мактабнинг 1150 ўқувчисига 76 нафар ўқитувчи таълим-тарбия беришади. Университетда ишлай бошлаганимга 40 йилдан ошган бўлса, 30 йилдан бери талабаларимиз билан педагогик амалиёт курсини ўтаймиз, — дейди педагогик амалиёт раҳбари, профессор Марям Усмонова. — Бу мактаб билан боғланганимизга эса 5 йил бўлди. Мактаб—университет ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган. Байрам ва турли тадбирларда талабалар ва ўқувчиларнинг биргаликда ишлашлари учун мактаб раҳбари Г.Туронова ҳамда ўзбек тили ўқитувчиси М.Худойназаровлар барча шароитларни яратиб беришаяпти.

Бўлғуси муаллимлар... Хаёл беихтиёр хотиралар сари етаклайди кишини. Кечагина эмасмиди, мактабга илк қадам қўйганимиз, биринчи дарс...

— Биринчи дарсим мен учун ҳаяжонли бўлди, — дейди Ойбек Шомуродов. — Албатта, русийзабон ўқувчилар билан ишлаш амалиётнинг дастлабки кунларида мураккаброқ бўлди. Лекин дарс ўтаверганимиз сайин ўқувчилар, ва умуман, мактаб муҳитига мослаша олдик.

Шунингдек, талабалардан М.Бобонова, М.Боймуродов, М.Омоновалар ҳам ўтган илк дарслари таассуротларини ҳаяжонсиз гапиролмадилар. Бўлғуси ўқитувчиларнинг биринчи дарсдаги масъулият ва самимияти кейинги фаолиятларида ҳам давом этсин.

Шерали НИШОНОВ

ЭЪТИБОР ИШОНЧНИ КУЧАЙТИРАДИ

Шаҳрисабз туманидаги 47-мактабгача ва бошланғич таълим мажмуаси ибрат олса арзийдиган масканларандир. Муассасада 250 нафар жажжи ўғилқиз тарбияланаётир. Шулардан 65 нафари бошланғич синф ўқувчилари бўлиб, улар 1-3-синфларда сабоқ олмоқдалар. Изланувчан тарбиячилар машғулотларда таълим-тарбиянинг ноанъанавий шакл, самарали усуллари ҳамда янги педагогик технологияларни қўллаётирлар. Жумладан, ТРИЗ, Мария Монтессори услубларидан имкон қадар кенг фойдаланган ҳолда мурғак қалбларнинг мантиқий фикрлаш қобилиятларини ривожлантирмоқдалар.

"Болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш" дастури бўйича дастлабки тажриба-синов ишлари ана шу мажмуада ўтказилиб, ижобий натижаларга эришилди. Дилбандларнинг жисмонан соғлом, маънавий пок бўлиши, уларда ахлоқий фазилатларни таркиб топтиришда жисмоний тарбиянинг ўрни каттадир. Масканда жисмоний тарбия машғулотлари қизиқарли, тўғри ташкил этилиши, янги усулларнинг татбиқ этилиши боис, яхши натижаларга эришилмоқда.

Bolalar bog'chalarida

Болажонлар гулшанида инглиз тили, рус тили, иқтисод, "моҳир қўллар", нақ-қошлик, рақс тўгараклари, шунингдек, болаларнинг мантиқий фикрлаш қобилиятини ривожлантирувчи махсус тўгарак ҳам мунтазам фаолият кўрсатмоқда. Мусиқа раҳбари Муродулло Кенжаев бошчилигидаги "Шалола" ансамбли аъзолари туманда ўтказиладиган тадбирларда, кўрик-танловларда иштирок этишиб, ўз маҳоратларини намойиш этмоқдалар. Раҳима Абдуллаева, Гулчеҳра Нафасова, Саида Йўлдошева, Нодира Муродова, Жамила Бурхонова каби изланувчан, тажрибали мураббийлар тарбиячилик билан бирга тўгаракларга раҳбарлик ҳам қилаётирлар.

Бошланғич синф ўқувчиларига Шаҳло Асророва, Дилфуза Хўжақулова сингари тажрибали муаллимлар сабоқ бераётирлар.

— Масканимизда, — дейди мажмуа раҳбари Қўйсинтош Қиличева, — болалар боғчаларига қамралмаган кичкинтойлар учун якшанбалик мактаблари ташкил этилган. Якшанбалик мактабида дилбандлар саводхонлик, математика, мусиқа, жисмоний тарбия каби йўналишлар бўйича илк тушунча олмоқдалар.

Д.ХЎЖАЕВА

Суратларда: болалар боғчаси ҳаётидан лавҳалар.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

ТАРИХ ВА БАДИЙ АСАР

Darsligingizga qo'shimcha

Маълумки, XIV аср бошларига келиб мўғуллар давлатида сиёсий парокандалик кучайди. Бундан фойдаланган маҳаллий қабила бошлиқлари, ўзларини мустақил ҳис эта бошладилар. Сабзавор, Нишопур, Тус вилоятларида сарбадорлар ҳокимиятни қўлга олдилар.

Сарбадорлар ҳаракатининг келиб чиқиши ҳақида машҳур тазкиранавис олим Давлатшоҳ Самарқандий (1435-1495) шундай ёзади:

"Аммо тарихчилар сарбадорлар аҳволига асло қўл урмаганликлари, фозиллар улар ҳақида биронта тарих китоби битмаганликлари сабабидан улар тарихидан андак қисмини ушбу тазкирада баён этиш вожиб кўринди. Чунки, улар шижоатлик, марду ҳашаматли бир жамоадирларким, Султон Абу Саъидхон (мўғул хулагутлар хони, вафоти 1335 йил) вафотидан кейин Хуросоннинг аксарият шаҳарларини қарийб эллик йил идора қилдилар... Улардан бир неча киши сарбадорлар ҳукумати тепасида турганлар:

1. Абдураззоқ ибн Хожа Фазуллоҳ Бештиний (вафоти 1338);
2. Абдураззоқнинг иниси Важиҳиддин Масъуд (в.1344);
3. Хожа Али Шамсиддин Фазлуллоҳ (в. 1355);
4. Амир Яҳё Курробий (в.1359);
5. Хожа Заҳириддин Курробий (в.1359);
6. Паҳлавон Ҳайдар қассоб (в. 1360);
7. Амирзода Лутфуллоҳ (в.1361);
8. Паҳлавон Ҳасан Домғоний (в.1365),
9. Хожа Али Муайяд (в. 1386)...

Абдураззоқ шижоатли, мард, қадду қомати келишган хушбичим йигит эди. У Сабзавордан Озарбойжонга Султон Абу Саидхон мулозаматига борди".

Бир куни Абдураззоққа унинг Бештин қишлоғилик яқин кишилари арз қилдилар: "Бу ерга хожа Аловуддин Муҳаммад Фарюмадий (Хуросон ноиби, вазир-)нинг жияни келган. Бир неча кундирки, қишлоққа жабру зулм ўтказиб, биздан шароб ҳамда паричеҳраларни талаб қилмоқда"...

Ўша куни кечаси вазир Аловуддин Муҳаммаднинг жияни устига бостириб бордилар ва уни бандга олиб ўлдирдилар. Эртаси куни эрталаб Бештин қишлоғи четига дор тикдилар. Салла ҳамда тақяларини дорга осиб, тошбўрон қилдилар ва ўққа тутдилар. Сўнг ўзларига "сарбадорлар" деб от қўйдилар. Ана шу ернинг ўзида етти юз киши Абдураззоқ билан бирга аҳдупаймон чекдилар, қасамёд қилдилар.

Аловуддин Муҳаммад уларга қарши қўшин жўнатди. Жангда сарбадорлар ғолиб келдилар. 1337 йили Аловуддин Муҳаммад ҳам ўлдирилиб, молу мулки ўлжага олинди. Сабзаворни улар ўзларига пойтахт қилдилар.

Сарбадорларнинг сўнгги ҳукмдори Хожа Али Муайяд аслзода киши бўлиб, сарбадорлар давлатининг соҳиб ихтиёри лавозимида эди. "Унинг даврида халойиқ тинч ва фароғатда яшади. Раиятдан фақат ўндан уч қисми ҳажмида солиқ олди. Бошқа бирон динорга тегмади. Ҳукмронлиги даврида кадхудо (қишлоқ оқсоқол)ларни назорат остига олди".

У улуғ амир, Соҳибқирон Амир Темур билан якдил ва ҳамжиҳат бўлди, дўст тутиниб, ҳурмат кўрсатди.

Давлатшоҳ Самарқандий ёзади: "Ҳикоя қиладиларки, соҳибқироннинг Хожа Али Муайяд хусусида тамом илтифоти бор ва бирон марта ҳам унинг суҳбатидан қолмаган эди. У доимо: "Ҳаётимда Хожа Али Муайяддек мустаҳкам, тартиб-қоидани яхши биладиган одамни асло кўрмаганман", деб айтар экан... Хожа Али муайяд хотинлари ва қариндошлари билан бирга етти йил Соҳибқирон мулозаматида бўлди".

1365 йил 22 май куни Чиноз билан Тошкент оралиғида Илёсхожа бошлиқ мўғул қўшинларига қарши Амир Темур ва Амир Ҳусайн қўмондонлигидаги Мовароуннаҳр қўшинларининг жангида Илёсхожанинг қўли баланд келди. Амир Темур Қаршига, Амир Ҳусайн эса Балхга чекинадилар. Мўғул қўшинларига мамлакатни талон-торож қилиш имконияти яратилади. Самарқандда ҳам яширин сарбадорлар ташкилоти мавжуд эди. Бу ерда Мавлонозода, Абубакр Кулувий наддоф, камонмерган Хўрдак Бухорийлар каби сарбадорлар шаҳарни мўғуллардан мудофаа қилиш тадбирларини кўрадилар.

Шарафуддин Али Яздий ёзади: "Жата лашкари Самарқандга етиб келди. Ўша кезларда шаҳар қўрғони бўлмаганлиги сабабли Мавлонозода Самарқандий, Мавлоно Хўрдак Бухорий ва Абубакр Кулувий наддоф шаҳар аҳлини оёққа турғазиб, шаҳарни кўча банд ва муҳофаза қилишга киришдилар. Маълум муддат раият ҳеч бир подшоҳнинг шон-шукуҳисиз бошоёқ қуролланган ғаддор ёв билан адолат ва ҳақиқат учун мардларча курашдилар. Душманга ҳужум қилишда ва мудофаада шундай матонат кўрсатдиларки, ғанимларнинг ҳукмронлиги ва истило қўли ул шаҳар аҳолисининг номус ва мояк этагига етмади".

Ушбу воқеалар ўзбек бадиий адабиётида ҳам ўз ифодасини топди. Истеъдодли шоир Азим Суюннинг "Сарбадорлар" шеърий драмаси, ёзувчи ва шоир Муҳаммад Алининг мазкур номдаги романи фикримизнинг далилидир. Айниқса, Муҳаммад Алининг "Сарбадорлар" романи ўқувчи-ёшларимизнинг севимли китобига айланган. Ёшларнинг бундай асарларга чанқоқлигининг боиси шуки, "Ўзбекистон тарихи" мактаб дарслигида Самарқанд сарбадорлари ҳақида бир-икки жумла ёзилган, холос. Ваҳоланки, сарбадорлар, уларнинг тарихимиздаги ўрни, соҳибқирон Амир Темурнинг сарбадорларга муносабати масаласи долзарб мавзулардан саналади. Зеро, соҳибқирон маънавий қиёфасини тадқиқ этишда, белгилашда сарбадорлар масаласи ўта муҳимдир. Ёзувчи Муҳаммад Али романда бу масалани қай даражада ҳал қилиб берганлиги китобхон диққат-марказида туриши шунинг учун ҳам табиий бир ҳолдир.

Сарбадорларнинг дунёқараши, зулмга қарши бош кўтариши, ҳокимиятни Самарқандда қўлга киритгач, қандай иш тутганлари, улар фожеаси нимада эканлиги романда воқеалар шарҳи, инсон тақдири, ижтимоий муҳит, мўғуллар истибдоди баёнида ишонарли тарзда ифода этилади.

Роман икки китобдан иборат бўлиб, таниқли тарихчи ёзувчимиз Миркарим Осим асарларидек ҳақиқий тарихий воқеаларнинг бадиий талқинидан иборат. Романда Абубакр Кулувий, Мавлонозода, Хўрдак Бухорий сингари тарихий шахслар қаторида ўнлаб бадиий тўқима образлар ҳам фаолият кўрсатади. Улар ўша давр ижтимоий ҳаётини сарбадорлар маънавий қиёфасини тадқиқ этишда, тарихий шахсларнинг ички дунёсини кашф этишда муҳим ўрин тутади.

Абомуслим — Жалойирбек, унинг фарзандлари Шерўғлон (Худобанда) Ширинбика тақдирлари, Садр Сулаймон (Қора арлот) ва Амир Ҳусайн ибн Мусаллаб кирдикорлари мўғуллар ҳукмронлигидаги Мовароуннаҳр жамоатчилиги ижтимоий ҳаётдаги иллатларни фош этишда қўл келган бўлса, Абубакр Кулувийнинг донишмандлиги, Жаҳон билан Мавлонозода ўртасидаги пок севги тарихи халқ ақлу заковати ва эзгу ишларининг ҳар қандай ижтимоий муҳитда ҳам ҳаётий ва бардавомлигини яна бир бор таъкидлашга хизмат қилади.

Романда Самарқанд сарбадорлари мўғул хони Илёсхожа қўшинларини мағлуб этгач, шаҳарда баъзи демократик тартибларни ўтказмоқчи бўладилар. Давлатни бошқаришдаги уқувсизлик, тажрибасизлик сарбадорларнинг заиф томонлари эди. Бадавлат кишилар молу мулкини мусодара этиш уларга қарши бўлган сиёсий кучларни кучайтирди. Натижада сарбадорлар фожеага дуч келдилар.

Ёзувчи жуда кўп тарихий тақдирлар, воқеаларни тасвирлар экан, соҳибқирон Амир Темурнинг сарбадорлар фожеасига муносабатини аниқ баён қилмайди. Тарихий муҳит, тақдирлар, кирдикорлар силсиласини тавсифлар экан, муаллиф энг асосий, долзарб масала — Соҳибқироннинг сарбадорларга муносабати ҳақида фикр юритишни ва хулосага келишни китобхонга, ўқувчига қолдиргандай туюлади. Тарихий шароитнинг барча мураккабликлари бадиий тадқиқ этилган бир ҳолда китобхон олдида муайян хулосага келиш учун барча имкониятлар мавжуд. Ижтимоий муҳит иллатлари билан китобхон кўз ўнгида намоён.

Ёзувчининг маҳорати ҳам, фикримизча, шунда.

Тарихимизга доир китобларда юқорида айтганимиздек, сарбадорлар ҳақида маълумот кам. Шунинг учун ёзувчи XIV аср Эрон ва Мовароуннаҳр тарихи бўйича манбаларни ўрганди, тарихчи олимларимиз, айниқса, академик Бўрибой Аҳмедов маслаҳатлари романнинг тарихий воқеалар ҳақиқатига асосланишига, воқеалар баёнининг ишонарли чиқишига катта ёрдам берди. Ёзувчининг тарихга ихлоси шундан. Биз муаллифдан янги-янги тарихий асарлар кутиб қоламиз.

Наим НОРҚУЛОВ, тарих фанлари номзоди, Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази илмий ходими

Ilk uchrashuv

Узбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида Швейцариянинг мамлакатимиздаги элчихонаси билан ҳамкорликда Швейцария куни ўтказилди. Ушбу анжуманда Швейцариянинг Ўзбекистондаги элчиси, жаноб Пьер Ришар, консул Иост Шмидт, маслаҳатчи Даниэл Хун, атташе Жан Даниэл Глаузер, УзДЖТУ ректори, профессор Ж.Буронов, проректор Г.Боқиева ва университет ўқитувчилари ҳамда талабалари иштирок этишди. Тадбирни Ж.Буронов очиб берди ва қисқача Узбекистон—Швейцария муносабатлари ҳақида тўхталар экан, жумладан шундай деди:

— Биз илгари ҳам кўпгина давлат вакиллари билан учрашувлар ўтказиб келганмиз, лекин бу университетимиздаги швейцарияликлар билан илк маротаба бўлаётган тадбир. Умид қиламизки, келажакда алоқаларимиз тобора ривожланиб, таълим соҳасида эришган ютуқларимиз билан ўртоқлашамиз.

УНИВЕРСИТЕТДА ШВЕЙЦАРИЯ КУНИ

Шундан сўнг меҳмонларга зарбоф тўнлар кийгизилгач, элчига сўз берилди. Жаноб П.Ришар Узбекистон ҳақидаги ўз таассуротлари билан ўртоқлашди:

— Ушбу гўзал мамлакатда тўрт йилдан бери ишлаётган эканман, ўзбекнинг ўз маданияти, тилига жуда катта эҳтиром билан муносабатда бўлиши мени ҳайратда қолдирди. Узбекистон истиқлолга эришгач, шу қисқа вақт мобайнида илм-фан, техника ва бошқа соҳаларда катта ютуқларга эришди. Жумладан, чет тилларга бўлган ўлкан эътибор ҳурматга сазовордир.

Анжуман давомида қатнашчиларга Швейцария маданияти, сиёсий ва иқтисодий ҳаёти ҳақида ҳужжатли фильмлар намойиш этилди, маърузалар ўқилди. Шунингдек, тадбир қатнашчилари ушбу мамлакат матбуоти кўргазмаси билан танишдилар. Учрашувда талабалар мусиқали дастурлари билан чиқиш қилиб, меҳмонларда катта таассурот қолдиришди.

Жамшид САЪДИНОВ, Фарҳод ИРДАШЕВ

УСТОЗ ҚАРШИСИДА ҚАЛҚИЙДИ ДУНЁ

Xalq ta'limi fidoyilari

Ҳа, албатта. Беғубор болалик, ўқувчилик йилларимизни соғиниб хотирлаганимизда, жажжи қўлчаларимиздан ушлаб илм даргоҳига етаклаган биринчи муаллимамиз кўз ўнгимизда намоён бўлади. Бутун борлиқ, бу кўҳна дунё қалбимизда униб чиқаётган меҳр-оқибат куртакларига бурканиб, ўша мунис ва меҳрибон устозлар қаршисида қалқийди гўё. "Илму фанда қуёшнинг жамоли бор. Унинг кўзини очган одам нур-зиё топади" деб бежиз айтилмаган. Устозлик касби оғир, машаққатли ва шарафлидир. Устоз ўзидаги бор хислатлар, фазилатларни тўғридан-тўғри ўқувчиларига юқтиради. Демакки, устоз қўлида жамиятнинг асосий бўлаги шаклланади, гўзал кашфиётлар яратилади. Ҳозирги бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш даврида тирикчилик кетидан бу касбдан узоқлашганлар ҳам оз эмас. Бироқ гап унда эмас, касби юрагининг бир парчасига айланаётган шундай касб фидойилари ҳеч қачон касбига бегона бўлмайди.

Юз-кўзларидан соддадиллиги, очиқ кўнгиллилиги сезилиб турган Нодира опа Туйчиева йигирма саккиз йилки, маориф соҳасида хизмат қилиб келмоқда. Устоз болажонларини жисмонан ва ақлан соғлом вояга етишишида ўзининг ўрни муҳимлигини ўқувчилик йиллариданоқ юрагида мужассам этган. Ўқитувчилар сулоласида камол топган Нодира, ўрта мактабни тугатгач, ҳеч иккиланмай Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтига кирди. Ўқишни аъло баҳоларга тамомлаб, С. Раҳимов туманидаги Абу Райҳон Беруний номли 243-мактабда иш фаолиятини бошлади.

Тақдирнинг ажойиботларига қарангки, "ухшатмасдан учратмас" дейдилар. Зиёлилар тарбиясини олган Нодира опа аср бошларида ўзбек миллий адабиётига ҳисса қўшган адиб Зиё Саид хонадонига келин бўлиб тушди. Отаси Сафо Каримовдан олган ўгитларини қайнотасининг панду насиҳатлари билан чархлади. У кекса устозлари этагини маҳкам тутиб сабоқ бериш сирларини пухта ўрганди. Ўз устида мукаммал ишлаб, билим салоҳиятини ошириб борган ёш муаллима мактаб жамоаси ўртасида изланувчанлиги, ҳозиржавоблиги, тиниб-тинчимаслиги билан кўплаб ўқитувчи, мураббийларни орқасидан эргаштирди.

Нодира опанинг энг қувончли, энг ташвишли, ҳис-ҳаяжонга тўлган дамлари устоз деб атрофида парвона бўлаётган минглаб фарзандлари даврасида ўтади. Устознинг яна бир ажойиб фазилатлари бор. Дарсдан кейин, ўқувчиларини серқатнов машина йўлларидан ўтказиб, пешоналаридан ўпиб, уйларига кузатади.

Ҳозирги кунда опа раҳбарлик қилаётган 3-"В" синф ўқувчиларини суҳбатга тортдик. Бирбиридан шўх, кўзлари чақнаб турган, олов болажонлар "Мен жавоб берай" - деб ошиқишарди. Биринчи партада геометрик фигураларни зўр қизиқиш билан ясаётган бола ўзини Феруз-бек деб таништирди.

— Катта бўлсанг ким бўлмоқчисан?

— Бобомга ўхшаган президент бўлмоқчиман.

— Мен устозим Нодира опамдек меҳрибон муаллима бўламан — дейди Умида.

— Ватан деганда нимани тушунасан?

— Ватан бу бизнинг уйимиз, маҳалламиз, юртимиздир, — дейди орқа партада ўтирган Фарҳодбек.

Ҳуллас, ўқувчилар билан завқланиб фикрлашдик. Айниқса, Ферузбекнинг охирги саволларимизга берган жавоби дилимда ўзгача бир таассурот қолдирди.

— Ўзбекистон мадҳиясини ёзган шоир ким?

— Шеър Абдулла Ориф бобомники, куйини Мутавакил Бурҳонов басталаган, — деди ҳозиржавоблик билан Ферузбек.

Эндигина саккиз ёшга қадам қўйган кичик дўстларимизнинг бурро, лўнда, ҳур фикрлари "Миллий таълим дастурининг" ширин меваси эканлигидан далолат берарди.

Синфхонада кўргазмали қуроллар, лотин ва инглиз алифбосида ташкил этилган муъжазгина кутубхона, рангбаранг тувақдаги гуллар дид билан парвариш қилинганини кўриб, "Меҳнат билан обод-юрт", "Меҳнат қилсанг-роҳат сеники" деган ҳикматлар нақадар ростлигига амин бўлдик. Устознинг кечаникеча, кундузни-кундуз демай китоб-дафтар ичида қумилиб ўтиргани зое кетмаганлиги шогирдларининг тили-ю, дилидан миллий руҳ уфуриб турганлигида акс этарди.

Қачонки, ҳар қандай жамият маърифат-маънавият пойдеворлари устига қурилар экан, у жамият ҳеч қачон таназзулга юз тутмайди. Гўзал оиланинг гўзал бекаси, тўрт ўғил, икки келин, уч набиранинг муҳтарама волидаси Нодира Туйчиеванинг ҳаёт йўлига фақат ҳавас билан қараб қоламан. Чунки устознинг ҳаётига фақат ҳавас қилиш мумкин.

МУСАЛЛАМБОНУ

Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганига яқинда 11 йил тўлади. Шу муносабат билан ҳозирда юртимизнинг турли жойларида байрам тадбирлари уюштирилмоқда.

Тайлоқ туманидаги умумтаълим мактабларида "Жаҳонга кон тилим" шиори остида ўзбек тили ойлиги бошланди. Тадбир дастурига мувофиқ, октябрь ойининг биринчи ўн кунлигида мавжуд барча мактабларнинг бошланғич синфларида она тилимиз тарихи, унинг давлат миқёсида тутган ўрни ҳақида маърузалар бўлиб ўтмоқда. Унда жажжи ўқувчилар томонидан она тилимизни мадҳ этувчи шеърлар, билимлар синови, мусиқий дастурлар янграмоқда.

—Бундай тадбирлар туманнинг, айниқса, 1, 4, 13, 21, 26, 30, 34, 45-мактабларида юксак савияда ўтиб, бунда қизиқувчи ёшлар фаол иштирок этишмоқда, — дейди суҳбат жараёнида Тайлоқ туман халқ таълими бўлими мудири

ОКТЯБРЬ ОЙИ ТАНТАНАЛАРИ

Яздон Ҳамдамов. — Айниқса, мушоира кечаларида ўтмишнинг буюк намоёндаларидан Лутфий, Навоий, Бобур, Машраб, Огаҳий, Чўлпон ва замондош шоирларимиздан Э.Воҳидов, А.Орипов, А.Обиджон, М.Юсуфларнинг ажойиб, дилга яқин шеър ва ғазаллари янгради.

Октябрь ойининг иккинчи ўн кунлигида юқори синф ўқувчилари ўртасида шундай тадбирлар ҳамда қўшимча сифатида театрлаштирилган томошаларни ўтказиш режалаштирилган. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, туман миқёсида асосий байрам тадбирлари октябрнинг учинчи 10 кунлигида ўтказилади. "Она тилим — милларим ифтихори" мавзуида бўладиган ушбу танловли тадбирга туманнинг кўплаб шоир, ёзувчи ва олимлари ҳам таклиф этилади.

Бундан ташқари, туманда ўзбек тили ойлигини 2001 йил февралда ҳам давом эттириш кўзда тутилган. Бунда буюк мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллигига бағишлаб ўтказилади.

Абдулла НИСОРОВ, Тайлоқ туман халқ таълими бўлими услубчиси